



АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!





**“ЎЗАВТОСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА
МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ
ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

“Compliance” – бу нима?




“Compliance” сўзи инглизча сўз бўлиб, “мувофиқлик”, “риоя” маъноларини англатади



Яъни, мамлакат қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, шунингдек компаниянинг ўзи қабул қилган ички сиёсатлар, таомилларга риоя этилмаслиги туфайли юзага келадиган хатарлар назорати ва бошқарувини англатади

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КОМПЛАЕНС ҚАНДАЙ ТИЗИМ?



Монополияга қарши комплаенс – фаолиятнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг бузилиши хатарларини аниқлаш ва мазкур хатарларнинг олдини олиш бўйича ички ташкилий тартиб-таомиллар тизими

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни (9-модда)

ВАКОЛАТЛИ ШАХСНИНГ (БЎЛИНМАНИНГ) АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

- ✓ Рақобат қонунчилиги талаблари бузилишини мониторинг қилиш
- ✓ Рақобат қонунчилиги талаблари бузилиши билан боғлиқ ички ўрганишларни ташкил этиш
- ✓ Фаолиятга тегишли материалларни таҳлил қилиш, бунда рақобат ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклаши мумкин бўлган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва чораларни ишлаб чиқиш
- ✓ Қонунбузилиш хавфларини камайтириш мақсадида “йўл харитаси” ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш
- ✓ Тизимни ташкил этиш бўйича ички низом ишлаб чиқиш ҳамда унинг тасдиқланишини таъминлаш
- ✓ Рақобат қонунчилиги талаблари бузилиши хавфлари билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобини юритиш ва юзага келиш эҳтимолини белгилаш
- ✓ Фаолиятда рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш

Монополияга қарши
комплаенс тизимининг | **МАҚСАДИ**

**Рақобат қонунчилиги талаблари
бузилишининг оқибатлари билан
курашиш эмас, балки барвақт
олдини олиш, уни келтириб
чиқараётган сабабларни аниқлаш
ва бартараф этишдан иборат**



**РАҚООБАТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ВА ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА
ДОИР ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА
КИРИТИЛГАН АЙРИМ
ЎЗГАРТИРИШЛАР**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 1996 ЙИЛ 26 АПРЕЛДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ
ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ 221-І-СОНЛИ ҚОНУНИГА
ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА 2025
ЙИЛ 31 ИЮЛЬ КУНИ **ЎРҚ-1078-СОН ҚОНУН** ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

**УШБУ ҚОНУН ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН 2025
ЙИЛ 4 ФЕВРАЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН, СЕНАТ ТОМОНИДАН
2025 ЙИЛ 28 МАЙДА МАЪҚУЛЛАНГАН.**

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига сотувчиларни олди-сотди шартномасида кўрсатилган мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга ундайдиган нормаларни белгиловчи қўшимча киритилди.

Ушбу Қонун қонун устуворлигини таъминлашга, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича қўшимча ҳуқуқий асосларни яратишга, шунингдек аҳолининг соғлиғини сақлашга хизмат қилади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 221-І-сонли Қонуни қуйидаги мазмундаги 12¹-модда билан тўлдирилсин:

- «12¹-модда. Олди-сотди шартномаси бўйича товарни топшириш муддатини (муддатларини) бузиш
- Олди-сотди шартномасига мувофиқ сотувчи шартномада белгиланган муддатда (муддатларда) товарни истеъмолчига топшириши шарт.
- Товарни топшириш сотувчи томонидан олди-сотди шартномасига мувофиқ уни истеъмолчига ёки у кўрсатган шахсга топшириш йўли билан амалга оширилади.

- 
- Сотувчи олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда (муддатларда) товарни топшириш бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, сотувчи кечиктирилган ҳар бир вақт бирлиги (шартномада кўрсатилган дақиқа, соат, кун) учун **мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида истеъмолчига пеня тўлайди**, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси топширилмаган товар баҳосидан ошиб кетмаслиги керак. Пеняни тўлаш сотувчини олди-сотди шартномасида кўрсатилган муддатда (муддатларда) товарни топшириш бўйича мажбуриятни бузганлик оқибатида истеъмолчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашдан озод этмайди.
 - Сотувчининг ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган пеняни тўлаши ва зарарнинг ўрнини қоплаши сотувчини мажбуриятларни асл холида бажаришдан озод этмайди.
 - Олди-сотди шартномасини тузишда ва савдо қоидаларини белгилашда пеня миқдори ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган миқдордан кам этиб белгиланиши мумкин эмас».



Булардан ташқари, ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги **Кодексига** ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майда қабул қилинган «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги **ЎРҚ-97-сонли Қонунига** айрим ўзгартиришлар киритилган.

6-модда.

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 2-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 3-моддаси ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ!

